

РЕСПУБЛИКА МАЊАВИЈАТ
ВА МАЊИФАТ МАРКАЗИ

МАЊИФАТ ТАРГИБОТЧИЛАР ЖАМИЯТИ

РЕСПУБЛИКА МАЊАВИЈАТ ВА МАЊИФАТ
МАРКАЗИ БУХОРО ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

**“ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ -
МУТАФАККИР, МАЊИФАТПАРВАР
ВА ИСЛОҲОТЧИ”**

*мавзудаги республика илмий-назарий анжумани
материалари*



БУХОРО - 2021

Файзулла Хўжаев – мутафаккир, маърифатпарвар ва
ислоҳотчи



**РЕСПУБЛИКА МАҶНАВИЯТ
ВА МАҶРИФАТ МАРКАЗИ**



**МАҶРИФАТ ТАРҒИБОТЧИЛАР
ЖАМИЯТИ**

**РЕСПУБЛИКА МАҶНАВИЯТ ВА МАҶРИФАТ
МАРКАЗИ
БУХОРО ВИЛОЯТ БЎЛИМИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*2021 йил – “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ва
аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”*

**“ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ - МУТАФАККИР,
МАҶРИФАТПАРВАР ВА ИСЛОҲОТЧИ”**
мавзуидаги республика илмий-назарий анжумани
материаллари

*Давлат ва жамоат арбоби, ёшлар тарбияси ва
келажаги учун курашган ҳақиқий зиёли, оташин
ватанпарвар, моҳир дипломат, Бухоронинг суюкли
фарзанди Файзулла Хўжаев таваллудининг
125 йиллигига бағишланади*

2021 йил 21 декабрь

Бухоро-2021

Файзулла Хўжаев – мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи

Мазкур илмий-амалий анжуман мақолалар тўпламида республикамиз маънавият ва маърифат тарғиботчилари, олий ўқув юртлари, халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, маданият ходимларининг давлат ва жамоат арбоби, мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи, жадидлар ҳаракатининг пешвоси, озодлик ва мустақиллик учун курашга умрини бахшида этган фидойи инсон Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти, шунингдек XIX аср охири XX аср дастлабки ўн йилликлари тарихий даврларида Бухоро тарихи билан боғлиқ долзарб мавзулардаги илмий мақолалар ўрин олган.

Тақдим этилаётган ушбу илмий-амалий анжуман материаллари тўплами турли соҳа мутахассислари ҳамда кенг илмий жамоатчилик учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Пардаева Марҳабо Давлатовна

Республика Маънавият ва маърифат маркази Бухоро вилоят бўлими раҳбари, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Таҳрир ҳайъати аъзолари:

Х.П.Кенжасева – Бухоро тиббиёт институти катта ўқитувчиси

А.Ҳамроев – БухДУ тузилмасидаги “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи директори, Ўзбекистон Тарихчилар жамияти Бухоро вилояти бўлими раиси

Тақризчилар:

С.С.Раупов – Бухоро давлат университети доценти, т.ф.н.

З.А.Ахмедова – Бухоро давлат тиббиёт институти доценти, ф.ф.н.

Мақолаларда келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгардирлар.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Бухоро вилоят бўлими қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Файзулла Хўжаев – мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи

borayotgan qatag’ onchilikka loqayd bo’limgan. 1929 yil Fitrat ,A.Qodiriy, Cho’lponning hayoti ham xavf ostida qolganda Fayzulla Xo’jayev 1937 yilgacha qatag’ onga olganlar qo’lidan qutqara oldi”.

Fayzulla Xo’jayev davlat va jamoat arbobi bo’lishi bilan birga mohir diplomat edi. U Eron, Turkiya, Afg’oniston, Ozarbayjon, Angliya, Germaniya va Yaponiya mamalakatlari bilan diplomatik aloqalar o’rnatishga katta kuch-g’ayrat sarfladi. Buxoro va Germaniya o’rtasida madaniy va iqtisodiy hamkorlik yo’lga qo’yilib, savdo –sotiq avj oldirilgan.

1929 yil oktyabr-noyabr oylarida Germaniyada bo’lib, turli bamklar va kompaniyalar bilan shartnomalar tuzgan. Shu vaqtga kelib u nemis tilini juda puxta bilgan. U talabalarni xorijga jo’natib, o’qitishning tashabbuskorlaridan biri bo’lgan. Fayzulla Xo’jayev, Fitrat, Mukammil Burxonovning tashabbusi bilan 100 ga yaqin turkistonlik talaba BXSR hukumati hisobidan Germaniyada, o’nlab talabalar Turkiya va boshqa davlatlarda o’qishgan.

1937 yil 10-17 iyun kunlari edi. O’zbekiston Kompartiyasining VII-s’yesdida Fayzulla Xo’jayevning “millatchilik” faoliyati fosh etilgach, u SSSR rahbari I. Stalin bilan uchrashish uchun Moskvaga jo’nab ketadi. Biroq I. Stalin uni qabul qilishdan bosh tortadi.

Fayzulla Xo’jayev 1937 yil “Natsional” mehmonxonasida qamoqqa olinadi va “Lefortovo” qamoqxonasiga tashlanadi. Unga hokimiyatga qarshi aksilsovets o’ng trotskiyachi blok faoliyatiga qo’shilgan hamda “Milliy ittihod” yashirin tashkiloti faoliyatiga rahbarlik qilganlik, “bosmachilik” harakati va qo’rboshilarни qo’llab-quvvatlaganlik, Fitrat, Cho’lpon, Abdulla Qodiriy va boshqa o’zbek ziyorilarga g’amxo’rlik korsatganlik, kabi ayblovlar qo’yildi. Uzoq davom etgan qiynoqlardan so’ng Fayzulla Xo’jayev SSSR Oliy Sudi harbiy kollegiyasining qarori bilan otishga hukm qilindi. Bu 1938 yil 13 mart edi. Hukm Moskva atrofidagi Butovo qishlog’ida 15 mart kuni ijro etildi.

1965 yil 6 avgustda SSSR Oliy Sudi harbiy kollegiyasi Fayzulla Xo’jayev aybsiz deb topdi va oqlandi.

1925-1930 yillarda Samarqand shahrida yashagan Fayzulla Xo’jayevning uyi qayta rekonstruksiya qilinib “Fayzulla Xo’jayev uy-muzeyi” tashkil etildi.

Файзулла Хўжаев – мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи

Fayzulla Xo’jayev boy ilmiy meros qoldirgan. Uning “Buxoro inqilobining tarixiga materiallar”(1926), ‘Buxorodagi revolyutsiya va O’rta Osiyoning milliy chegaralanish tarixiga doir” (1932), “BXSRdagi iqtisodiy ahvol” (1924), “Yosh buxoroliklar to’g’risida”(1926), “Jadidlar”(1926) kabi maqolalarida XX asrning I-choragida jiddiy muammolar haqidagi firklari bayon etilgan.

Asqad Muxtorning “Buxoroning jin ko’chalar” qissasi, Komil Yashin “Inqilob tongi” dramasi va Nusratillo Naimovning “Men yashashni istayman” roman-xronikalari Fayzulla Xo’jayev faoliyatiga bag’ishlangan.

Adabiyotlar:

- 1.Fayzulla Xo’jayev hayoti va faoliyati haqida yangi mulohazalar,T.,1997.
- 2.Eshonov O.E.,Fayzulla Xo’jayev,T.,1973.
- 3.Hasanov M.,Fayzulla Xo’jayev,T.,1970.
- 4.Baqoyeb M.,Fayzulla Xo’jayev jurnalist va publitsist,T.,1992.
- 5.Rajabov K.,Buxoroga qizil armiya bosqini va unga qarshi kurash,T.,2002.

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВНИНГ БХСРДАГИ ШАҲАРСОЗЛИК БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИ

Нафиса Ҳаётова

Бухоро Давлат Университети ўқитувчиси

Ўз даврининг буюк ислоҳотчиси Файзулла Хўжаев тарихимизнинг мураккаб ва зиддиятли даври бўлмиш БХСР ҳукуматини бошқарар экан, Бухоро шаҳарсозлик маданиятининг ривожланишига ҳам асос солган ҳисобланади.

1920 йилнинг 29 августида амирликка қарши қаратилган ҳарбий операция натижасида амирлик пойтахти Бухоро шахри ҳам ҳаводан, ҳам ердан авиация ва артиллериядан қаттиқ бомбардимон қилинади. Шавқатсиз ўқ ёмғири ва бомбардимон оқибатида шаҳар обидаларнинг бешдан бир қисми вайрон этилиб, минглаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлган. “...жанглардан сўнг кўпчилик иморат ва биноларнинг ёниб вайрон бўлганлиги маълум бўлди. 34 та гузар, 3 мингдан ортиқ дўкон, 20 га яқин сарой, 29 та масжид ёниб хароб бўлди. Шаҳарда 3 мингга яқин ҳовли ёниб кул бўлди. Бухоро шахри қарийиб 20 кун ёнди. Арки Олий устидан 300 та иморат тўп ўқи ва бомба зарбидан ёниб,

Файзулла Хўжаев – мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи

қимматбаҳо моллар нобуд бўлди”- деб ёзади Муҳаммад Али Балжувоний[1]. Ана шундай мураккаб бир жараёнда Ф.Хўжаев олдида Бухорони тиклаш, ривожлантириш каби мураккаб вазифалар тураг эди.

Йирик давлат ва жамоат арбоби Ф.Хўжаев БХСР ташкил қилинганидан сўнг барча соҳаларда ислоҳотлар ўтқазди. Қисқа муддат ичидаги Бухорода демократик ислоҳотлар жорий қилинди. Ҳукумат сиёсатининг муҳим йўналиши бўлган аҳоли майший турмушини яхшилаш билан боғлиқ ишлар шаҳарсозлик маданиятининг ривожланишига ҳам туртки бўлди. Ҳукумат Бухоро кўчаларига тош ётқизиш, транспорт йўлларини тартибга келтириш борасида бир қатор тадбирларни амалга ошириди. Ҳолбуки, матбуот материалларида Республика пойтахти Эски Бухоро шаҳри кўчалари тор, кечқурунлари баъзи кўчаларнинг қоронғулиги ва кўлмак суви туфайли ҳатто яёв юриш қийин бўлганлиги айтилиб, масалан, “Доҳилий (ички ишлар) назортидан олинғон маълумотларига кўра, Бухоро кўчаларида тез юроғон автомобил ва фойтуналар орқасидан от-фойтун ёки автомобил остиға қолиб ўлувчилар, оёқсиз, қўлсиз қолувчилар жуда кўпдир...” деган маълумотлар берилган [2,78].

Шаҳар кўчаларини ёритиш, аҳолини электр чироқлари билан таъминлаш учун Ф.Хўжаев бошчилигига БХСР ҳукумати чоратадбирлар белгилаб, 1923 йил кузидан Бухоро шаҳридаги Регистон майдонида илк бор электр станцияси ўрнатилди [2,79]. Хабарларда шаҳарни электр чироқлари билан ёритиш 1923 йилнинг 15 октябрдан бошланади деб қайд қилинган бўлсада, аслида бухороликлар хонадонида ўша йили 12 декабридан электр чироқлари ёнди [2,79].

Қисқа муддат ичидаги Бухорода амалий ишлар олиб борилиб, шаҳар инфратузилмасида ижтимоий муассасаларнинг ташкил қилиниши ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Замонавий усулдаги таълим ва тиббиёт тизимларига асос солинди. Ф.Хўжаев бошчилигидаги ҳукумат маориф тизимини йўлга қўйиш мақсадида 1920 йил охири ва 1921 йил бошларида турли шаклдаги таълим муассасаларини очилишида бош бўлади. Жумдадан, Бухоро шаҳрида 1921 йилнинг ёзида 17 та бошланғич мактаблар, 2 та қизлар мактаби, 3 та етимхона, 1 та ҳунар мактаби, 1 та устахона, 1 та мусиқа мактаби, 1 та сиёсий мактаб

Файзулла Хўжаев – мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи

мавжуд бўлган [2,95]. Айни шу даврда 5 та кечки курслар ҳам фаолият олиб бориб, улардан биттасида форс, турк, рус, немис тилларида таълим берилиб, 120 киши таҳсил олган экан [2,95].

1921-1922-ўқув йилидан бошлаб Бухоро шаҳрида биринчи дорулмуаллимин очилади [3,197]. Дорулмуаллиминда ўқиш муддати 2 йиллик бўлиб, “аҳзори”- сиртқи бўлим ҳам мавжуд эди.

Республиканинг дастлабки йиллариданоқ маданият муассасаларидан театр, кутубхона, музей, клуб, чойхона, болалар боғчаси ташкил этиш билан боғлиқ амалий вазифалар бажарилган. Бухорода театр санъатини ривожлантириш борасида, 1921 йилда Эски Бухорода “Етимхон” театр биноси қурилиб, Регистон майдонида ёзги театр томошалари ташкил қилинган.

Ф.Хўжаев бошчилигига 1920 йилнинг охириданоқ маориф назорати қарамоғида турли тиллардаги адабиётлар мавжуд бўлган давлат кутубхонасини ташкил қилиш чоралари кўрилди. 1921 йилнинг ёзига келиб Бухорода Минораи Калон ёнидаги бинолардан бирида Абу Али ибн Сино номи билан энг катта кутубхона ўз фаолиятини бошлайди [3,102].

Шу қатори Бухоро шаҳрида биринчи бор 1922 йилнинг 8 ноябрида Ситораи Мохи Хосада музей очилди. Музейга “Қори Йўлдош музахонаси” номи берилади. БХСР пойтахтида музей очилганлиги ҳукумат амалга оширган мухим тадбирлардан бири бўлди. Аҳолини маданий ҳаётга кенгроқ тортиш учун 1923-1924 йилларда 5 та клуб ва 10 та қизил чойхона қурилиб ишга туширилади [4]. Шу қатори 1923 йилда аҳолини сиёсий, маданий, маърифий дунё қарашини шакллантиришга қаратилган Бухоро шаҳрининг Калон Минораси пастига радио станцияси қурилиб, радиоэшиттиришлар олиб борилган.

1924 йил 1 сентябрда БХСРда 69 та мактаб, 2 та институт, 3 та мусиқали ва 3 та хунармандчилик мактаблари, 13 та интернат, 13 та кутубхона, музей ва драма театрлари фаолият кўрсатган [5].

Бу даврда аҳоли ўртасида турли юқумли касалликларнинг кўпайиши тиббий муассаларининг қурилишига эҳтиёж катта эканлигини кўрсатди. Ф.Хўжаев раҳбарлигидаги республика ҳукумати соғликни сақлаш тизимига катта эътибор берди. 1920 йил 31 октябрда БХСР ҳукумати ҳузурида Соғликни Сақлаш Нозирлиги ташкил этилади. Нозирликнинг “Доришунослик”,

Файзулла Хўжаев – мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи

“Санитар – эпидемологик”, “Даволанувчи” бўлимлари бўлиб, биринчи нозир этиб, Германияда ўз малакасини ошириб келган Бурҳонов Абдулаҳад тайинланди [6].

БХСР пойтахти Эски Бухородаги 100 ўринли шаҳар шифоҳонасини 200 ўринли қилиб кенгайтириш ишлари олиб борилиб, шифохона олд қисмига 3 та янги бино қурилади ва таъмирга муҳтож тиббий муассасаларда таъмирлаш ишлари олиб борилади. Бу тадбирлар учун давлат томонидан 200 минг олтин сўм ажратилади [7].

Тиббий жиҳозлар Берлин ва Москва шаҳарларидан келтирилиб, шифохонада ренген қилувчи, кўз касалликларини даволовчи ва бошқа янги тиббий хоналар ташкил қилинади. Аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини яхшилаш учун Эски Бухородаги аёллар амбулаториясини 30 ўринли қилиб кенгайтириш ва 10 ўринли туғруқхона бўлимини ташкил қилиш ишлари амалга оширилди. Қолаверса, bemорлар учун Эски Бухорода 4 та амбулатория ташкил қилиниб, шулардан бири моллария касаллигига чалинган bemорлар учун ихтисослаштирилади. Янги Бухорода 100 ўринли шаҳар шифохонаси аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиб, шифохона хузурида амбулатория ва моллария станцияси ташкил қилинади. Шифохонанинг жарроҳлик, туғруқхона ва ички касалликларни даволовчи бўлимлари мавжуд бўлган. БХСР ҳукумати 1920-1921 йилларда моллария касалини тарқалишига қарши доридармонлар харид қилишга, шифохона ва профилактика муассасаларининг қурилишига 1 млн олтин сўмдан ортиқ маблағ сарфлайди [8]. 1924 йилга келиб БХСРда тропик касалликлар институти, 5 та касалхона, 2 та амбулатория ва 8 та фельдшерлик пункти фаолият кўрсатди [9].

Хулоса қилиб айтганда, Файзулла Хўжаев давлат қурилиши, иқтисод, маданий қурилиш масалаларига катта эътибор қаратди. Унинг раҳбарлигига амалга оширилган ислоҳотлар шаҳарнинг инфраструктурасига таъсир қила бошлайди. Шаҳарда ободонлаштириш ишларининг амалга оширилиши, ижтимоий муассасаларнинг кўпайиши шаҳарнинг “эски шаҳар” ва “янги шаҳар” қисмларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар:

Файзулла Хўжаев – мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи

1. Муҳаммад Али Балжувоний тарихи. Нофей (Фойдали тарих). Т. 2001. 70-71 бет
2. К.Рахмонов Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида. Т., ”Абу Матбуот-консалт” 2012.
3. Рахмонов К. Бухорода педагогик ходимлар тайёрлаш тарихидан (1920-1924 йиллар), “Бухоро тарихи масалалари (Энг қадимги замонлардан ҳозиргача)”. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. 2016 йил 9-10 декабрь. Б-2016, 197-б
4. М.Бақоев. Файзулла Хўжаев журналист ва публицист. Т., ”Ўзбекистон”, 1992, 25-б.
5. А.И.Ишанов. “Бухарская Народная Советская Республика”. Т., 1969. 347-б.
6. ЎзРМДА, Р-61 –фонд, 1 – рўйхат, 31 ҳужжат, 107 –варак.
7. ЎзРМДА, Р-61 –фонд, 1 – рўйхат, 31 ҳужжат, 110 –варак.
8. ЎзРМДА, Р-61 –фонд, 1 – рўйхат, 11 ҳужжат, 52 –варак.
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.:Шарқ, 2000. 228-б.

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ МУСИҚА ВА САНЪАТ ҲОМИЙСИ

*Раджабова Нодира Мехмоновна
БухДУ мустақил тадқиқотчиси*

Бухоро қадимдан мусиқа ва санъат ривожида машҳур бўлган. Айниқса, Бухоро шашмақоми XVIII асрнинг биринчи ярмида шаклланиб, деярли тўрт аср давомида (Бунда мақомларнинг факат шашмақом номига эга бўлган даври назарда тутилади- М.Р. ўзбек ва тожик ҳалқларининг маънавий- мусиқий мулки сифатида яшаб келмоқда. Мақом мусиқаси аслида ҳалқ куй қўшиклари асосида пайдо бўлган бўлсада, у сарой анъаналари мухитида сайқалланиб, такомиллашган профессионал аҳамиятга молик мусиқий мажмуадир. Унинг сарой ҳомийлигисиз мамлакат хукмдорларининг эътиборисиз ривожланиши ва тараққий этиши жуда мушкул эди. Бухоро манғит амирлари сулоласининг сўнгги вакиллари Амир Музаффархон (1860-1885), Амир Аҳадхон (1885-1910) ва Амир Олимхон(1910-1920) лар ўз даврининг илмли, идрокли кишилари бўлиб, шеърият ва соз санъатига жуда ихлосманд бўлганлар. Бухоро амирлари саройида санъат ва